

1918776208- СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ
Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкитлари) учун

Балиқчи т.

2022 йил “28” январь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “06’01.2021_даги 50-01-08’28 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Андижон филиали Балиқчи телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Н.Собиров (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **Балиқчи тиббиёт коллежи** номидан Устав (Низом, иккиги томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари күрсатилиши бўйича кўйдагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисида Абонент шартномасини тузишга расмий оммавий тақлифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқсангигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатнин олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептими) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат турни хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан холда белгиланади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (*Postpaid*) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат турни бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат турни учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилот бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат турни бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни хисобга олган холда) 240 000 (Икки юз кирк минг) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 240 000 (Икки юз кирк минг) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичига ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблағларни ўтказиши ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишида блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера қонидлари билан тартибиға солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишшида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланшиши мумкин ва Шартнома бекор килингандага Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат турни учун алоҳида умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат турни бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойидага тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобда, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибида ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиши ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув оркали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув оркали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хуёжатларига мувофиқ Тошкент туманлашаро иктисадий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишини тартибига солувчи конун хуёжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки ҳатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада тавъинлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиши чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иrodasi va фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирофнома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпич билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади. Тегиши шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат таалаб этилса, Абонент (мурожаат мувалифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор килинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белgilanadi. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хуёжатларига амал килиади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзолangan пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабря кадар амал килиади. Агар, Шартноманинг белgilanган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттираса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабря кадар амал килиади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини қабул килганини хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хуёжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучida қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичда бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолangan ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| ОПЕРАТОР: | АБОНЕНТ: |
|--|--|
| “Ўзбектелеком” АҚ Андижон филиали Балиқчи телекоммуникациялар боғламаси: | Балиқчи тиббиёт коллежи |
| Манзил: Балиқчи тумани И.Худойбердиев кўчаси 5.у.Банк маълумотлари: x/r: 20210000104074838308; СТИР: 203366731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тошкент филиали Тел: 74-3232009 74-3231656; E-mail: and@uztelecom.uz; | Манзил: Андижон вилояти Балиқчи тумани Сирмоқ МФЙ Еттиқашқа кўчаси 47-уй Банк маълумотлари: x/r: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 МФО: 00014 Банк номи: Марказий Банк Тошкент ш XKKM ШХВ: 400910860032067092600054001 СТИР: 206932548 Тел: +998-55-201-77-27; :+998-55-201-77-37 E-mail: ; |
| Оператор номидан: Н.Собиров Ф.И.Ш. /имзо/ М.ў. | Абонент номидан: Д.И.Дадаханова /имзо/ |



2022 йил “28” январь
№ 1918776208-сонли
абонент шартномасига
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

| т/р | Хизматлар номи | ҚҚС билан нархи (миқдори) | Асос | Нуқталар сони | Ойлар сони | 15% ҚҚС) | 15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда) |
|--|-----------------------------|---------------------------|----------|---------------|------------|-----------|--------------------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| I. Бир марталик тўловлари | | | | | | | |
| 1.1 | Абонент тўлови тариф буйича | | Нархнома | | | | |
| II. Ҳар ойлик абонент тўловлари | | | | | | | |
| 2.1 | Телефон хизмат хакки | 40 000 | Нархнома | 2 | 3 | 31304,35 | 240 000 |
| | Жами | | | | | 31 304,35 | 240 000 |


Шартноманинг умумий миқдори 240 000 (Икки юз кирк минг) сўмни ташкил этади, 15 % миқдоридаги ҚҚС ни инобатга олган ҳолда.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АҚ
Андижон филиали

Баликчи телекоммуникациялар боғламаси

Оператор номидан:

Н.Сабиров



М.ў.

АБОНЕНТ:
Баликчи тиббиёт коллежи

Абонент номидан:

Д.И.Дадаханова

